

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хасанова Ситора Исламовна

Бухоро давлат унверситети “Иктисодиёт”

кафедраси ўқитувчиси ва мутақил тадқиқотчиси

тел: (93) 355-30-33 hasanovasitora26@gmail.com

Аннотация

Мазкур мақолада ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувини ташкил этишда инновацион ва анъанавий ёндашувларнинг қиёсий таҳлилига бағишланган. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб, иқтисодий фанда ишлаб чиқариш жараёнларида янги техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида юқори иқтисодий самарадорликка эришишга қаратилган инновацион ёндашув шаклланди. Ҳужжатда саноат инқилобининг “Саноат – 2.0” ва “Саноат – 3.0” босқичларида ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланишига оид илмий қарашлар таҳлил қилинган. Ташқи ва ички омилларнинг корхона бошқарувига таъсири муҳокама қилинган бўлиб, уларнинг самарали бошқарувга таъсири очиб берилган.

Калит сўзлар: ишлаб чиқариш корхоналарини бошқариш, инновацион бошқарув усуллари, анъанавий бошқарув усуллари, саноат инқилоби, Саноат – 2.0 ва Саноат – 3.0, техник-технологик модернизация, ташқи ва ички омиллар

Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини бошқаришнинг инновацион ёндашувга асосланган концепциялари шаклланишида Й. Шумпетер, Ф. Никсон, Б. Твисс, Б. Санто, Э. Дандон каби узоқ хорижлик иқтисодчи олимлар катта хисса қўшишган ҳисобланади. Корхоналар бошқарувининг инновацион йўналишига мансуб бўлган илмий қаралашлар XX асрнинг 80 йилларидан бошлаб иқтисодий фанда кенг тарақала бошлаган. Ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувини ташкил этишнинг инновацион концепцияси янги турдаги техника ва технологияларидан, жумладан, илм-фан ютуқларидан маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш асосида юқори иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятини кенгайтириши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг модернизацион усулида ишлаб чиқариш жараёнида инсон омилининг ўрни

тобора камайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларининг техника-технологиялар билан қуроллантириш жараёни ортиши ҳисобига самарадорликка эришишга устуворлик қаратилган. Фикримизча, мазкур турдаги ишлаб чиқариш корхоналари бошқаруви амалиёти миллий саноат инқилобининг “Саноат – 2.0” ва “Саноат – 3.0” ҳолатида бўлган мамлакатлар амалиёти учун хос ҳисобланади.

Жумладан, Л.Л. Косте, Й. Корен, Ф. Жоване, А. Эл-Марагҳи, Г. Счаҳ каби узоқ хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш борасидаги илмий қарашларида “Саноат – 2.0” даражасида ривожланиш ҳолатида миллий иқтисодиёт тармоқларида хўжалик фаолияти юритувчи корхоналар фаолиятини замонавий ишлаб чиқариш техника-технологиялари билан таъминлаш орқали “Саноат – 3.0” даражасидаги ишлаб чиқариш амалиётига ўтилиши илмий асосланган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, модернизацион бошқарув усули асосида ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини бошқаришда маънавий эскирган ёки эскириш муддати яқинлашган техник-технологияларни корхонадаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилиши кутилган иқтисодий самарадорликка эришиш имконини бермайди. Шу сабабли, ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини модернизацион бошқарув усули асосида ташкил этишда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини янги турдаги, замонавий техника-технологиялар билан таъминлашга устуворлик қаратиш талаб этилади.

Шунингдек, Р.А. Фатхутдинов ишлаб чиқариш корхоналарини бошқаришнинг анъанавий ва инновацион усулларининг ўзига хос бўлган хусусиятларини ажратиб кўрсатади. Бунда олим бошқарув усулларида хос бўлган хусусиятларни жараёнли ёндашувга асосланган ҳолда аниқлаган. Олим томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, анъанавий ва инновацион бошқарув амалиёти учун хос бўлган хусусиятлари қиёсий таққослашни лозим топдик ва унинг натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтириб ўтилди.

**1-жадвал Ишлаб чиқариш корхоналарининг инновацион ва
анъанавий бошқарув усуллари қиёсий таҳлили¹**

Жараён ёндашуви	Инновацион бошқарув	Анъанавий бошқарув
Кўзланган мақсад	Янги эҳтиёжларни аниқлаш ва уларни биринчилардан бўлиб қондириш ҳисобига юқори фойда олиш	Бозордаги мавжуд талаб ҳажмидан корхонанинг тегишли улушига эга бўлиши
Мақсадга эришишнинг тактик режаси	Янги турдаги эҳтиёжларнинг ноаниқлиги ва уларнинг чексизлиги ҳисобидан юқори иқтисодий самарадорликка эришиш	Корхонанинг бозор талаби қамрови даражасига мос бўлган эҳтиёжларни қондириш ва ўз ўрнини йўқотмаслик
Бошқарувдаги рисклилик даражаси	Юқори даражадаги рискнинг мавжудлиги	Риск даражасининг пастлиги
Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этилиши	Вақт ва макон доирсида чегараланганлиги (дискретлилик)	Мунтазам такрорланувчи (анъанавий) маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни
Бошқарув жараёнида режаларга амал қилиш имконияти	Режага мос фаолият юритиш имкониятининг пастлиги	Режага мос фаолият юритиш имкониятининг юқорилиги
Бошқарув режси	Стратегик мақсад белгиланиб, мослашувчан тактик режаларга асосланади	Ишлаб чиқилган режага қатъий риоя қилинади
Корхона бошқаруви тизимининг ривожланиши	Бошқарув тизимининг янги ривожланиш босқичига ўтиши	Бошқарув тизими ривожланиши ўзгармайди балки, бошқа корхоналар инновацион бошқарув амалиётига ўтиши ҳисобига ортига қайтиш кузатилади
Бошқарувда манфаатларнинг белгиланиши	Иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан ҳар томонлама мослашувчан манфаатлар тизими шакллантирилади	Қатъий белгиланган фойда олишга асосланган манфаатлар тизимига амал қилади
Бошқарув ва функционал вазифалар тақсимоти	Мунтазам қайта тақсимланиб, такомиллашиб боради	Қатъий белгиланган жавобгарлик ва функционал вазифаларга асосланади

Иқтисодий адабиётда ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувини ташкил этишнинг айрим усуллари таҳлилига кўра, корхоналар фаолиятини бошқаришнинг маълум бир усулидан фойдаланишда корхона фаолияти ва унинг бошқаруви самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Жумладан, мамлакат истеъмол бозорининг

¹ Муаллиф томонидан тузилган

тўйинганлик ҳолати, бозордаги рақобатчилар сони, мамлакатда ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини риводлантириш бўйича яратилган шарт-шароитлар, меҳнат бозорининг ҳолати, молиявий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти, бозор инфратузилмаси каби кўплаб ташқи омиллар корхона фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш усулини танлашда устувор аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу билан биргаликда, ташқи омиллар корхона фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ички омилларни шаклланишига замин яратади. Ички омиллар эса бевосита ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва уни амалга оширишга таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлирининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятни янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-4426-сон қарори, 24.08.2019 й. <https://lex.uz/ru/docs/4486600>
2. Uzuegbu Ch. Henry Fayol’s 14 Principles of Management: Implications for Libraries and Information Centres. *Journal of Information Science Theory and Practice*. 3 (2), June, 2015. – pp. 58-72
3. Daniel A. Wren, Arthur G. Bedeian, John D. Breeze. The Foundations of Henry Fayol’s administrative theory. *Management Decision* 40/9. 2002. – pp. 906-918
4. Сушко А.В. Полицинская Е.В. Управление и организация производством на предприятии: Теоретический аспект: Учебное пособие. / А.В. Сушко, Е.В. Полицинская. – ЮТИ ТПУ, 2015. – 139 с.
5. Bruce K. Nyland Ch. Elton Mayo and the Deification of Human Relations. *Organization Studies* 32 (3), March, 2011. – pp. 383-405
6. Bhakuni R.S. Elton Mayo’s Theory of Human Relation. *International Journal of Research in Commerce, IT, Engineering and Social Sciences (IJRCIESS)*. Vol. 4, No 7, July, 2010. – pp. 9-14
7. Islamovna X. S. “Oziq-ovqat tovarlari B2B bozori geografiyasini kengaytirishda axborot tizimlaridan va raqamli marketing strategiyalaridan foydalanishni takomillashtirish” //Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting. – 2024. – T. 4. – №. 03. – С. 493-500.
8. Islamovna X. S. “Aholining o’zini o’zi bandligini rivojlantirishning nazariy asoslari” //Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting. – 2024. – T. 4. – №. 03. – С. 390-396.